

Аллоҳ таолонинг махлуқларига тақлид



15:00 / 16.02.2021 2413

(иккинчи мақола)

Капалак қанотлари ва фотонлар технологияси




Монарх капалаги деб номланган ҳашаротнинг қанотлари жисмоний амалиёт орқали ёрқин ранглари ҳосил қилиш қобилияти билан ажралиб туради. Буни наноструктура дейилади. Аллоҳ таолонинг бу мўъжизаси Жорж Паркер исмли олимни электронлар ўрнига ахборот ташувчиси сифатида фотонлар технологиясидан фойдаланишга ундади.

Пурпурранг бактерия ва келажак ёқилғиси



Пурпурранг (бинафшарангга ўхшаш) бактерия (*Nostoc muscorum*) атмосфера азотини бириктирадиган ва аммиак ишлаб чиқарадиган бактериялар тури бўлиб, бу қишлоқ хўжалиги тупроғи учун ўғитдир. Бу ностоклар оиласига кирувчи цианобактерияларнинг бир тури. Ушбу бактериялар тупроқда, нам харсанг тошларда, кўллар ва булоқларнинг тубида учрайди. Шунингдек, у баъзи ўсимликларнинг тўқималарида, уларни махсус ҳужайралар орқали азот гази билан таъминлаб ўсиши мумкин. Бу бактериялар фотосинтез пигментларини цитоплазмада ўз ичига олади. Атмосфера азоти бўлмаган тақдирда, у яшил сув ўтлари тури билан симбиотик (яъни икки хил биологик организм ўртасидаги ҳар қандай биологик муносабат ёки яқин ва узоқ муддатли биологик ўзаро таъсир) муносабатлар орқали водород ишлаб чиқаради. Водород олимлар томонидан келажак ёқилғиси сифатида кўрилади ва бу ғоядан келиб чиқиб, олимлар техника воситасида водородни сунъий йўл билан ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Олимлар бундай ғояни ўртага ташлашларида Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло пурпурранг бактериялар ва яшил сув ўтларига ато этган табиий механизмдан илҳомланишган.

Инсон мияси ва компьютер



Аллоҳ таолонинг инсонга ато этган улкан неъматларидан ақл, фикр юритиш, маълумотларни мияда сақлаш неъматидир. Мия танадаги барча ҳаётий жараёнларда иштирок этадиган аъзодир. «Hi-News» олимлар томонидан мияга қанча маълумот сиғиши мумкинлиги борасида олиб борилган тадқиқот натижалари [билан бўлишди](#).

Солка биологик тадқиқотлар институти олимларининг сўнги маълумотларига кўра, инсон мияси ҳажми бунга қадар аниқланган натижалардан 10 баробарга кўп экан. Аниқ рақамларни келтирадиган бўлсак, гап бир петабайт (1000 терабайт) ҳақида кетмоқда. Бир-икки йил олдин бутун интернет ҳажми шунчага тенг дея баҳоланганди.

Шундай қилиб, компьютер ишлаб чиқариш ғояси юзага келди. Компьютер эса маълумотларни жамлаш, сақлаш, инсон қачон истаса, ўша маълумотларни қайта кўришига хизмат қиладиган, олдиндан аниқ белгиланган, ўзгарувчан амалиётлар кетма-кетлигини бажаришга қодир бўлган қурилма ёки тизим.

2015 йилда қуввати бўйича тўртинчи ўринда турувчи суперкомпьютерга инсон миясининг бир сониялик фаоллигини кўрсатиш учун 40 дақиқа вақт керак бўлди.

(Давоми бор)

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади